23 ИЮЛ 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 132 (20. 999) 1991 йил 11 июль, пайшанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

Воқеалар, янгиликлар, шарҳлар

МЕҲНАТ ЗОЕ КЕТМАСИН

Яқинда Қамаши районидаги «Чимқўрғон» давлат хўжалигида қишлоқ хўжалик ходимлари партия, совет, хўжалик фаолларининг кенгашн бўлди. Унда вилоят районларида ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш, аҳолини сабзавот, полиз ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашнинг аҳволи атрофлича муҳокама қилинди.

Бу йил баҳорнинг ноқулай келганлиги қишлоқ хўжалик экинларининг ривожига таъсир қилди: кўпгина майдонларга чигит қайта экилди. Шунинг учун пайкалларда ғўзалар текис ривожланмаган. Деҳқондан ҳам, механизатордан ҳам маҳорат билан ишлаш талаб этилади. Бу борада Қамаши районидаги «Коммунизм йўли», Косон районидаги «Партия XXII съезди», Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли жамоа хўжаликлари, Баҳористон районидаги 27, Нишон районидаги Ч. Бегимқулов номли давлат хўжаликларида дала ишлари ибратли даражада ташкил этилган, дейиш мумкин. Лекин мутахассислар ва тажрибакорларнинг гувоҳлик беришича, ғўза парвариши бир қатор хўжаликларда суст.

Вилоятда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун имкониятлар етарли. Суғориладиган майдонларда ўртача ҳосилдорликни ошириш ҳисобига бу йил 500 минг тонна ғалла етиштириш имконияти бор. Бунинг учун мутасадди ташкилотлар ғайрат ва шижоатни бўшаштирмасликлари керак. Далаларда дон ҳосилини ўриб-йиғиб олиш учун барча кучни ишга солмоқ зарур.

Қишлоқ меҳнаткашларига ижтимоий, маданий-маиший шарт-шароитлар яратиб беришда ҳам жиддий нуқсонлар мавжуд. Партия, совет органлари меҳнаткашларининг ижтимоий-маиший шароитлари билан яқиндан қизиқишлари, мавжуд муаммоларни тезроқ ҳал этиш йўлларини қидирмоқлари лозим. Шуни айтиш керакки, айрим жойларда компенсация ва ишчиларга нафақа бериш масаласида қийинчиликлар ва камчиликлар учраяпти. Кўп ҳолларда партия ташкилотларининг котиблари ижтимоий масалалар билан шуғулланмайдилар.

Кенгашда ғўза ва бошқа экинларни парвариш қилиш, чорвачиликни ривожлантиришдаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатор тадбирлар белгиланди. Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. И. Икромов, вилоят партия комитетининг биринчи котиби ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Т. П. Хидиров нутқ сўзладилар.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

Ғалаба районидаги боғдорчиликка ихтисослашган «Оғонёк» давлат хўжалиги-заводининг боғ-роғларида олма ва олхўри ғарқ пишди. Меваларни йиғиштириб олиш авжида. Эл дастурхонига ҳар куни 22 тонна олма, 9—10 тоннадан олхўри жўнатилмоқда.

Суратларда: 1. Илғор ишчилардан Тамара Пардабоева, Дамира Ғаниева, Оминахон Холматова. Уларнинг ҳар бири кунига 200—300 килограммдан мева териб бераётир. 2. Етилган олмалар. 3. Замира Фаттоҳова билан Валентина Николаевалар мева теришда кўпчиликка ўрнак.

В. ТЎРАЕВ олган суратлар.

РЎЗНОМА САҲИФАЛАНАЁТГАН ЧОҒДА

● МАМЛАКАТИМИЗДА

СССР Президенти М. С. Горбачевнинг таклифига мувофиқ Испания ҳукуматининг раиси Ф. Гонсалес мамлакатимизда меҳмон бўлди. Расмий ташрифнинг ниҳоясида иккала мамлакат — СССР ва Испания ўртасида дўстлик ҳамда ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Ҳужжат имзоланганидан сўнг иккала давлат раҳбари матбуот конференцияси ўтказди.

Испаниялик мартабали меҳмон ватанига жўнаб кетди.

* * *

РСФСР халқ депутатларининг навбатдаги Съезди Кремлнинг съездлар саройида очилди. Съезд Россия биринчи Президентининг ўз лавозимини бажаришга киришишига бағишланган.

Б. Н. Ельцин жумҳурият Конституциясига биноан қасамёд қилиб, у ўз зиммасига халқ юклаган вазифаларни виждонан бажаришга сўз берди.

СССР Президенти М. С. Горбачев табрик нутқи сўзлади.

● ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

Шеробод районидаги «Ойнаи жаҳон» мухлислари маҳаллий кўрсатувларини томоша қилиш имкониятига эга бўлишди. Район маркази яқинида ретранслятор ўрнатилиб, телестудия қурилди.

* * *

Бухородаги «Янги турмуш» жамоа хўжалигида консерва заводи ишга туширилди. Дастлабки маҳсулот эл дастурхонига етказиб берилди. Йилига бу ерда 3 миллион шартли идишда консерва тайёрланади.

● ХОРИЖДА

АҚШ Президенти Жорж Буш Америка конгрессига мурожаат этди. Президент бу мурожаатида ўз маъмурияти таклиф этган мамлакат ҳарбий бюджети лойиҳасини маъқуллашга ва стратегик қуроллар ишлаб чиқариш учун сўралган маблағни сақлаб қолишга чақирган.

* * *

Югославия пойтахти Белградга Европа ҳамжамиятларига аъзо бўлган уч мамлакат — Голландия, Люксембург ва Португалия вакиллари келишди. Улар Югославиядаги тангликни бартараф этиш юзасидан яқин кунлар ичида Бриони оролида Федерация, Словения раҳбарлари ва Европа ҳамжамиятлари вакиллари ўртасида тузилган битимларнинг бажарилишини назорат этиши лозим бўлган кузатувчилар биринчи гуруҳини ташкил этади.

(ТАСС ва ЎзТАГ хабарлари асосида тайёрланди).

ИШСИЗЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЖАМҒАРМАСИ ТУЗИЛМОҚДА

Тошкентда ишсизликдан ҳимоя қилиш Бутуниттифоқ жамғармасининг Ўзбекистон бўлимиҳ тузиш жумҳурият ташкилот комитетининг мажлиси бўлди.

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг «Рабочая трибуна» рўзномаси бир йил аввал ушбу жамоатчилик хайрия органини ташкил этиш ташаббускори бўлган эди. Жамғарманинг, унинг жумҳуриятлар ва вилоятлардаги бўлимларининг мақсади ҳамда вазифаси — ишга жойлаштириш ва аҳолини қайта ўқитиш, янги иш жойларини вужудга келтириш, расмий тарзда ишсиз ҳисобланган кишиларга ёрдам бериш масалаларини ҳар томонлама ҳал этишга кўмаклашишдан иборат. Бу муаммолар ишчи кучи кўп бўлган минтақалар, жумладан Ўзбекистон учун ҳам айниқса долзарб бўлиб қолмоқда.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори В. Н. Сигедин, Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикасининг раҳбарлари Н. П. Эркаҳўжаева ва Т. Н. Люкшина, меҳнат вазирининг ўринбосари Е. В. Суханов, «Рабочая трибуна» рўзномасининг Ўзбекистондаги ўз мухбири Р. В. Тэлль сўзга чиқдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби, ташкилот комитетининг раиси А. А. Абдувосиқов бошқарди.

Жамғарма дастури ва унинг таъсис конференциясини ўтказиш муддатлари режалаштириб олинди. Низомнома лойиҳаси ва делегатлар сайлаш тартиби муҳокама қилинди. Конференцияни 23 июль куни Тошкентда ўтказиш режалаштирилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ МЕҲМОНИ

Франция Умумий меҳнат конфедерацияси Лангедок-Руссильон вилояти минтақа комитетининг делегацияси Ўзбекистонга келди. Делегацияга минтақа касаба уюшмаси ташкилотининг бош котиби К. Палетти бошчилик қилмоқда.

Меҳмонлар 9 июль куни Тошкентда «Ишлаб чиқаришда меҳнат низоларини ҳал қилиш усуллари. Касаба уюшмаларининг тутган йўли ва ўрни» мавзусида ўтказилган семинарда қатнашдилар. Семинарни Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов очди.

Сўзга чиққан нотиқлар можароли вазиятларни ҳал қилишга холисона ёндашув зарурлигини таъкидладилар. Меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта эътибор бераётганликларини тушундик. Бир-биримизга делегациялар юбориш Франция билан Ўзбекистон касаба уюшмалари алоқаларини мустаҳкамлашга ёрдам беришига, бир-биримизни яхшироқ тушуниб олишимизга, тажриба айирбош қилишимизга имкон беришига ишонаман.

(ЎзТАГ).

• НОВО-ОГАРЕВО—ЛОНДОН

«ПРЕЗИДЕНТ ЎЗИ БИЛАН БИЗНИНГ РОЗИЛИГИМИЗНИ ОЛИБ КЕТМОҚДА»

Менимча Б. Н. Ельциннинг журналистлар билан қисқа якунловчи суҳбат вақтида айтган бу гаплари 8 июль куни Москва яқинида СССР Президенти М. С. Горбачевнинг тўққиз республика раҳбарлари билан учрашуви натижасида юз берган воқеаларнинг моҳиятини жуда аниқ ифодалайди. Давлат бошлиғининг етти мамлакат раҳбарлари билан учрашиш учун бўлажак сафарига боғлиқ масалаларнинг бутун мажмуини уч соат давомида муҳокама қилиш оқ устунли ушбу уйнинг пиллапояларида журналистлар ила бадиха учрашув билан ниҳоясига етди. Кимнингдир гапи билан бу уйни ҳозир янги Федерациянинг бешиги деб атай бошладилар.

Ёзнинг илиқ ёмғирига ва ҳамиша вақт етишмаслигига, қарамай, СССР Президенти ва республикаларнинг олий раҳбарияти, Иттифоқ Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти, мамлакатнинг нуфузли иқтисодчи олимлари ярим соат давомида оммавий ахборот воситаларининг вакилларини кенгаш якунлари билан батафсил таништирдилар. Кенгаш қандай ўтганлигини газетхонлар газетада босиладиган батафсил ҳисоботдан билиб оладилар. Мен эса эътиборни журналистлар билан кенгаш якунларига бағишланган учрашувга жалб қилмоқчиман. Чунки бу учрашув ўзига хос аҳамиятга эга.

Биринчидан, Ново-Огареводаги бундай кенгаш бирор марта ҳам шу қадар тез тугамаган эди. Ишнинг характерига расмий баҳони эслатиб ўтамиз: «Амалий, ишчанлик ва ўртоқлик руҳида ўтган кенгаш натижасида мазкур масала юзасидан ўзаро келишилган йўл қабул қилинди».

Иккинчи, соф эҳтирос билан боғлиқ таассуротлар ҳам ана шундан келиб чиқади. Аввал Ново-Огаревода қарашларнинг бундай бирлиги, янгиланган Иттифоқнинг, ҳар бир республиканинг келажагини кўзлаб, умумий натижаларни мақсад қилиб қўйган командаНинг туйғулари ҳеч қачон ҳозиргидек сезилмаган эди. Бино зиналарига жуда катта, жуда қийин, лекин ҳаётий зарур ишни бажарган ва буни англаб турган одамлар чиқишди.

Кейинчалик эса, суҳбат чоғида, сафдошларига хос равишда Ново-Огарево жараёни қандай бошланганлигини эслаб, улар умумий куч-ғайратларга тегишли баҳо бердилар.

М. С. Горбачев: «Эсимда, апрель ойида оёғимиз остидаги ер ларзага келарди ва том қисирлаб турарди...»

Б. Н. Ельцин: «Февраль—март ойларида ҳам осон бўлмаган. Ўшанда шубҳалар устун келарди, ҳатто музокара олиб бориш учун жойни ҳам танлай олмаган эдик...».

Энди журналистлар учрашув қатнашчиларига берган саволлар ва оммавий ахборот воситаларининг вакилларига қайтарган жавоблар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз.

СССР Президентидан унинг Лондон сафари арафасида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тўла келишувга эришилдими, деб сўрашди.

Бизни муштарак масъулият туйғуси бирлаштириб турди, — деди давлат бошлиғи, — муболағасиз шуни айтишим мумкинки, Ново-Огареводаги барча учрашувлар ана шундай туйғуга асосланган эди. Биз мамлакатни чуқур тангликдан чиқариб олиш учун бор кучимизни сарфлаб, аввало, халқ тўғрисида сиёсатда ҳам, иқтисодиётда ҳам халқ сезиши лозим бўлган чинакам оқибатлар тўғрисида ўйлаймиз. Ҳозир ана шу куч-ғайратларимиз аниқ натижалар берди. Бу жараёнга мен жуда катта аҳамият бераман. Чунки у жамиятимизни тубдан янгилаш, уни бозор муносабатларига ўтказиш йўлида пайдо бўлган вазифаларни ҳал қилиш учун зарур куч-ғайратларни бирлаштириш ва аҳиллик билан боғликдир.

Шу сабабли мен Лондонга фақат ўз эътиқодим ва тасаввурларимга асосланган мандат билан эмас, шу билан бирга иттифоқдош республикаларнинг тутган умумий йўли билан бораман. Бинобарин мен Британия пойтахтида айтмоқчи бўлган гаплар, — бу бизнинг ўзаро келишиб олган йўлимиздир. Бу жуда муҳим. Бу, биринчи навбатда биз учун — ҳозирги замон маърифати тақдирида муносиб мавқега эга бўлган шу улкан мамлакатда яшовчи одамлар учун муҳим деб ўйлайман. Учрашув якунларидан мамнунман.

Биргаликдаги ҳаракатларни келишиб олишга доир муаммолар ҳам бўлди, албатта. Буни инкор этиб бўлмайди. Катта ишни бажардик, шундай ҳамжиҳатликка эришилдики, ҳозир Иттифоқ шартномаси доирасида чуқур демократик ва иқтисодий ўзгартишлар йўлидан қатъият билан олға боришгина қолди. Бу эса бизга сиёсий ва молиявий барқарорлик келтирадиган, танглиқни пировард натижада енгиб ўтишга ёрдам берадиган барқарор вазият келтирадиган нарсадир.

Суҳбатга **Б. Н. Ельцин** қўшилади:

— Мен икки жиҳатни таъкидлаган бўлур эдим. Биринчиси — СССР Президенти Лондонга фақат марказнинг тутган йўли билан эмас, шу билан бирга барча тўққиз республика, улар раҳбарларининг фикри билан бормоқда. Бу келишилган фикрдир. Бу фақат совет кишилари учунгина эмас, «Еттилик» мамлакатлари учун ҳам муҳим деб ўйлайман.

Иккинчиси, Улкан давлат Президенти «Еттилик» мамлакатлари билан ўзаро манфаатларни кўзлаб, биргаликда амалга ошириш мумкин бўлган дастурлар тўғрисидаги фикримизни айтиш учун бормоқда. Бозор иқтисодиётига ўтаётган давримизда бу, айниқса, муҳимдир. Бунда «илтижо билан қўл чўзиш» тўғрисидаги гаплар мутлақо ўринсиз. Яна бир жиҳати. Ново-Огаревонинг сиёсий жараён бешиги сифатида тутган ўрнини алоҳида таъкидламоқчиман, бу сиёсий жараёнда республикаларга, бир-бирига ҳурмат принципиаллик, янгиланган давлатимизни барпо этиш йўлида оқилона ён босишга интилиш устунлик қилмоқда.

Ўзбекистон ССР Президенти **И. А. Каримов:**

— Шуни қўшимча қилмоқчиманки, учрашувимизда СССР Президентининг бўлажак ташрифига республикаларимиз қандай қараётганлиги тўғрисидаги масала яна бир бор ўрганилди, республикалар пировард натижада Лондон сафари олдидан М. С. Горбачевга тўла ишонч билдирдилар. Бизнинг якдил фикримиз бундай: бундай учрашув зарур эди. Лекин, энг муҳими шундаки, ҳозир биз муаммоларнинг бутун мажмуини халқ нуқтаи назаридан, оддий кишилар нуқтаи назаридан — улар Президентнинг етти мамлакат раҳбарлари билан учрашувига қандай қараётганликлари нуқтаи назаридан кўриб чиқдик. Михаил Сергеевич бугун айтган гаплар мамлакат фуқароларининг фикрлари, муддаолари ва истакларига мос бўлиб тушади. М. С. Горбачев Лондонга бутун халқ ваколати билан бормоқда.

— Бугун учрашувда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси СССР Президентига «Оқ йўл!» дейишди — деб давом этди Украина ССР Бош вазири **В. П. Фокин.** — Чунки жамиятимизни яккаланган ҳолда жиддий ислоҳ қилиб бўлмаслигини жуда яхши тушунамиз. Туб ислоҳотлар учун халқаро ҳамкорлик зарур. Лекин бу биз қарзга яшашни кўзлаяпмиз, деган маънони билдирмайди.

Биз ўз кучимизга ишонамиз, бозор моторини ишга солиб юборишимиз учун бизга туртки керак. Аммо биз ўзимиз ишламоқчи бўляпмиз, невараларимизга фақат қарзимизни қолдирмоқчи эмасмиз. Ново-Огаревода юз берган келишувнинг моҳияти мана шунда.

— Биз Иттифоқ шартномаси томон бораётганлигимиз, ҳар бир республиканинг суверен ҳуқуқи ҳисобга олинадиган ягона, мустаҳкам Иттифоқ бўлишини хоҳлаётганимиз муҳимдир, — деб илова қилди Озарбайжон Олий Кенгашининг Раиси **Э. М. Кафарова.** — Озарбайжон ҳам нефтга, ҳам пахтага бой республика. Ҳозир Озарбайжон хорижий мамлакатлар билан кенгроқ ҳамкорлик қилиши, ишбилармон кишиларни, фирмаларни таклиф этиши, қўшма корхоналар барпо қилиши учун янги истиқболлар очилмоқда. М. С. Горбачевнинг сафари, унинг етти мамлакат раҳбарлари билан учрашуви Озарбайжон учун айни шундай имкониятлар очиб беради, деб ўйлайман.

СССР Президентидан: кенгашда қатнашган иқтисодчи олимларнинг тутган ўрни қандай, деб сўрашди. Иқтисодий жиҳатлар бу соҳада етакчи бўлмоқда, деб жавоб қилди М. С. Горбачев. Гап сиёсий барқарорлаштириш тўғрисида ҳам борди, албатта. Сиёсий барқарорлик бўлмаса, қолган ҳамма нарса — хомхаёл. Кенг асосда, миллий ва умумиллий ватанпарварлик кучларини бирлаштиришга розилик бўлса, катта самара берадиган ислоҳотлар тўғрисида ўйлаш мумкин бўлади.

Бу соҳада иқтисодиётимизни ислоҳ қилишнинг муҳим жиҳатлари кўп. Бу ҳозир, аввало, мамлакатдаги ижтимоий вазият талаб қилаётган энг долзарб вазифадир. Келажакда биз қандай бўлишимиз, улкан мамлакатимизда ҳар бир халқ ҳам миллий, ҳам иқтисодий нуқтаи-назардан ўзини дадил ҳис этиши, келажакка ишонч билан боқиши учун шу мамлакатни қандай ривожлантиришимиз жуда муҳимдир.

Мен иқтисодий масалаларга доир мунозаралар марказий ўрин тутди, деган бўлур эдим. Чунки, сиёсий ислоҳот ғояси, аҳиллик ҳозир бутун жамиятимиз учун тушунарли, англаб етилган. Бусиз боши берк кўчага кириб қолинади. Бизни мухолифлик йўлига, душманларни излаш йўлига тортаётганлар — кечаги кун одамларидир.

Бутун эса республикалар ҳамкорлигининг иқтисодий жиҳатларини асосли равишда ишлаб чиқишимиз лозим эди. Бу соҳада агар биз ягона қудратли бозор тарзида шаклланганлигимизни, унда биз ҳоҳлаймизми ёки хоҳламаймизми — меҳнат тақсимоти юз берганлигини унутмаслик барча муаммоларни муваффақиятли ҳал қила олишимизни тушуниб етиш намоён бўлди. Биз бир-биримизга жуда боғлиқ бўлиб қолганмиз, кооперация даражаси жуда юқори. Гўё мустақилликни кўзлаб буларнинг ҳаммасини барбод этиш керакми? Йўқ, мустақиллик бунда эмас! Буни ҳозир республикаларда тушуниб турибди.

Биз республикаларнинг эркин нафас олишига йўл қўймай келган унитарликдан, буйруқбозлик тузумидан воз кечяпмиз. Лекин бошқа томонга — автаркияга, маҳдудликка, кўп чегараликка ўтишга ҳаққимиз йўқ, булар жўшқин иқтисодиётни қабул қила олмайди. Бундай йўлга ўтиш ҳалокатли бўлур эди.

Ҳозир ана шундай масалаларнинг бутун мажмуи муҳокама қилинди. Биз ягона бозорни сақлаб қолишимиз, жамоаларнинг, минтақаларнинг ташаббусидан, хусусий ташаббусдан фойдаланиб унга янги ҳаёт бахш этишимиз лозимлиги тушуниб етилди — гап шу ҳақда борди, буни тушуниб етилганлигига ишонч ҳосил қилдик.

Менинг Лондон концепциям шунга асосланганки, жаҳондаги сиёсий ўзгаришлар беқиёсдир, мулоқот кучайиб бормоқда, қуролсизланиш, баҳамжиҳат ҳаракат қилиш жараёнлари давом этмоқда. Иқтисодиётчи? Иқтисодиёт орқада қоляпти, Ҳолбуки ҳар қандай жараён агар у иқтисодий ўзаро боғлиқликка таянган тақдирдагина ишончли ва истиқболли бўлиши мумкин. Шу маънода айтишим керакки, бугун бу ерда масъулиятни кўра билиш ва тушуниш гоят юқори даражада бўлди.

Белоруссия Олий Кенгашининг ҳамиша хотиржам, мулоҳазали раиси **Н. И. Дементей** қуйидагиларни таъкидлади:

— Биз биргаликда эккан яхшилик уруғларининг униб чиқишига кўмаклашиш керак. Янги Иттифоқ мутлақо янги асосда қурилмоқда. Аҳиллик ва ўзаро манфаатдорлик — республикалар ўртасидаги муносабатларнинг таъсирчан омилларидир. Михаил Сергеевич Лондонга жаҳон ҳамжамияти ривожланишига кўмаклаша оладиган қудратли давлатнинг бошлиғи сифатида бормоқда. Бинобарин, биз шу вазифани бажаришимиз лозим.

СССР Президенти журналистлар билан бадиҳа учрашувини якунлаб бундай деди:

— Ҳамма нарса жуда масъулиятли, давр эса — ҳал қилувчи давр, ташвишлар катта, ечимлар қийин, ҳеч нарсани соддалаштирмаслик керак. Келишув мавжуд. Шундай қилиш керакки, халқ бизни тушунсин ва қўллаб-қувватласин. Бундай мададсиз ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Ватанимиз тарихининг шу бурилиши пайтида одамлар бизни эшитишларига ва қўллаб-қувватлашларига ишонаман.

Ҳозир Ново-Огаревода кучларнинг жойланиши ана шундай. Лондон учрашувини тайёрловчилар эътиборига шуни айтиш керакки, Совет Президентининг йўлини янги Иттифоқни барпо этаётган республикалар тўла қўллаб-қувватладилар.

Б. ГРИШЧЕНКО,
ТАСС шарҳловчиси.

• Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ МАНДАТ КОМИССИЯСИ ВА ҚЎМИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда.
Ўзбекистон ССР Конституциясининг 111-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қонун лойиҳалари тайёрлаш устида иш олиб бориш, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ихтиёридаги масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш учун, Ўзбекистон ССР қонунлари, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бошқа қарорлари давлат ҳамда жамоат идоралари ва ташкилотлари томонидан амалга оширилишига ёрдам бериш ҳамда бу ишни назорат қилиш учун, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва уларнинг доимий комиссиялари билан ҳамкорлик қилиш учун депутатлар орасидан Мандат комиссияси ва қўмиталар сайлайди.

2-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажара бориб, Ўзбекистон ССР давлат ҳокимиятининг олий идораси бўлмиш Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши самарали фаолият кўрсатишига ёрдам беришлари керак.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва қўмиталарининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ССР қонунларининг ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши бошқа қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ихтиёридаги масалаларни дастлабки тарзда қараб чиқиш ва тайёрлаш;

Ўзбекистон ССР қонунларини ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қабул қилган бошқа қарорларни амалга оширишга ёрдам бериш.

3-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари янги сайланган Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг биринчи сессиясида Олий Кенгашнинг ваколат муддати даврига тузилади.

4-модда.
Қўмиталарнинг рўйхати Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ваколат муддати давомида, зарур бўлиб қолганда, янги қўмиталар ташкил этиши, илгари тузилган қўмиталарни тугатиши ва қайта тузиши, Мандат комиссияси ва қўмиталар таркибига ўзгаришлар киритиши мумкин.

5-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан раислар ва аъзолардан иборат таркибда сайланади. Мандат комиссияси ва қўмиталар раисларининг ўринбосарлари ҳамда комиссия ва қўмиталар таркибига кирмаган Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

6-модда.
Мандат комиссияси ва қўмиталар очиқ овоз бериш йўли билан Ўзбекистон ССР халқ депутатлари орасидан сайланади.

Овоз бериш раисининг номзоди бўйича алоҳида, сўнгра эса Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қарорига биноан Мандат комиссияси, қўмита таркиби бўйича бир йўла ёки ҳар бир номзод бўйича алоҳида-алоҳида ўтказилади.

7-модда.
Мандат комиссияси ва қўмиталарни тузиш чоғида Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг ишчанлик фазилатлари, касб ва бошқа қизиқишлари, уларнинг ишлаб чиқариш ва ҳаётий тажрибалари, эркин билдирилган ҳоҳиш-истаклари инобатга олинади.

Ўзбекистон ССР халқ депутати, қоида тариқасида, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг битта қўмитаси ёки комиссияси аъзоси қилиб сайланиши мумкин.

8-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ёки қўмитасининг раиси қилиб сайлашга тавсия этилган Ўзбекистон ССР халқ депутати Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида сўзга чиқиб, ўз фаолият дастурини баён этиши мумкин. У сессия қатнашчиларининг саволларига жавоб беради.

9-модда.
Мандат комиссияси ва қўмиталарнинг таркибига доир таклифлар комиссия ёки қўмиталарнинг раислари томонидан тайёрланиши мумкин.

10-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон ССР Прокурори Мандат комиссияси ва қўмиталар таркибига сайлана олмайдилар.

11-модда.
Мандат комиссияси ва қўмиталар таркибига сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг ҳаммаси тенг ҳуқуқлардан фойдаланади.

Мандат комиссияси ёки қўмита таркибига сайланмаган Ўзбекистон ССР халқ депутати уларнинг ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

12-модда.
Депутатларнинг Мандат комиссияси ва қўмиталаридаги ваколатларини Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши шу кишиларнинг илтимосларига кўра, шунингдек, уларнинг ўз вазифаларини бажаришини мумкин бўлмайдиган қилиб қўядиган ҳолатлар муносабати билан муддатидан аввал тўхтатиши мумкин.

Мандат комиссияси ва қўмиталар таркибини янгилаш тўғрисидаги таклифларни Мандат комиссияси ва қўмиталар муҳокама қилади ва бу таклифлар Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг розилиги билан уларнинг раислари томонидан Ўзбекистон ССР Олий Кенгашида кўриб чиқиш учун киритилади.

13-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ёки қўмиталари ўз ишларини масалаларни коллектив равишда, эркин муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ошкоралик ҳамда Мандат комиссияси ва қўмиталар аъзоларининг кенг ташаббускорлиги асосида ташкил этадилар.

14-модда
Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши олдида масъулдирлар ва ўнга ҳисоб берадилар.

15-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ишини юритиш, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларни тузиш тартиби ва фаолияти масалалари Ўзбекистон ССР Конституцияси, Ўзбекистон ССР қонунлари, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг иш тартиби, ушбу Қонун билан ва шуларга мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан белгиланади.

16-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ўз ишларини масалаларни коллектив равишда, эркин муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ошкоралик ҳамда Мандат комиссияси ва қўмиталар аъзоларининг кенг ташаббускорлиги асосида ташкил этадилар.

17-модда.
Ўзбекистон ССР Конституциясининг 109-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва қўмиталари раислари лавозимларига кўра Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати таркибига кирадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қўмитасининг Раиси бошқа бирор-бир ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши мумкин эмас.

18-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсати Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва қўмиталари фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати:

қўмиталарнинг келишиб баҳамжиҳат ишлашини ташкил этиш учун зарур чоратадбирлар кўради;

халқ депутатларини, давлат ва жамоат идоралари вакилларини Мандат комиссияси ва қўмиталарнинг мажлисларидан хабардор қилиб туради.

Мандат комиссияси ва қўмиталарни улар қараб чиқадиган масалаларга доир материаллар ва ҳужжатлар билан ўз вақтида таъминлайди;

қўмиталар фаолияти илмий-методик, техникавий жиҳатдан таъминланишига кўмаклашади, уларга ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа зарур ёрдам кўрсатади;

Сессияларнинг кун тартиби ва иш тартиби лойиҳаларини тайёрлаш чоғида Мандат комиссияси ва қўмиталарининг таклифларини умумлаштиради ҳамда уларни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши муҳокамасига топширади.

II. МАНДАТ КОМИССИЯСИ ВА ҚЎМИТАЛАРНИНГ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

19-модда.
СССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ишларини ўз режаларига, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси ва унинг ўринбосарлари топшириқлари ва тавсияларига мувофиқ ташкил этади.

20-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни юксак самара билан ҳал этиш мақсадида ўз таркибидан фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича тайёрлов комиссияларини тузиши мумкин.

21-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ўзлари қараб чиқаётган масалаларни тайёрлаш ҳамда пухта ишлаб чиқиш учун ўз ишларига комиссия ва қўмиталар таркибига кирмаган Ўзбекистон ССР халқ депутатларини жалб этишга, ишчи гуруҳлари тузишга ҳақлидирлар. Ишчи гуруҳларига Ўзбекистон ССР халқ депутатлари билан бирга вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг, идораларнинг, бошқа давлат ва жамоат идоралари ва ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, олимлар, мутахассислар кириши мумкин. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси, қўмиталари қўшма ишчи гуруҳлари тузишлари мумкин. Ишчи гуруҳлари таркибида ишлаш даврида мутахассислар ва олимларнинг асосий иш жойларидаги ўртача иш ҳақлари Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ сақланиб қолади.

22-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ўзларининг ихтиёридаги масалаларни қараб чиқиш чоғида тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ҳамда тенг вазифаларни бажарадилар.

23-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва қўмиталарининг аъзолари Мандат комиссияси ва қўмиталар фаолиятида иштирок этишлари, уларнинг қарорларини амалга оширишга кўмаклашишлари, комиссия ва қўмиталарнинг топшириқларини бажаришлари шарт.

24-модда.
Мандат комиссияси ёки қўмитанинг аъзоси комиссия ёки қўмита қараб чиқаётган барча масалаларда ҳал қилувчи овоздан фойдаланади, комиссияда ва қўмитада қараб чиқиш учун исталган масалаларни ва таклифларни киритиш, уларни тайёрлаш, муҳокама қилиш ва қарор қабул қилишда, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши, Мандат комиссияси ва қўмитанинг қарорларини бажаришни ташкил этишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Мандат комиссияси ёки қўмита томонидан таклифлари қўллаб-қувватланмаган Мандат комиссияси ёки қўмитанинг аъзоси ушбу масала Ўзбекистон ССР Олий Кенгашида муҳокама қилинаётган пайтда таклифларини ёзма ёки оғзаки тарзда киритиши мумкин.

25-модда.
Мандат комиссияси ёки қўмита аъзосига комиссия ёки қўмита қараб чиқаётган барча масалаларни ҳал этишда фаол қатнашиш учун шароит яратиб берилади, бунинг учун зарур ҳужжатлар ва бошқа материаллар унга олдиндан юборилади.

26-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва қўмиталарининг аъзолари комиссия ва қўмиталарнинг топшириғига биноан ҳамда ўз ташаббуслари билан масалаларни жойларда ўрганадилар, давлат ва жамоат идоралари ҳамда ташкилотларининг, шунингдек фуқароларнинг таклифларини умумлаштирадилар ҳамда комиссия ёки қўмиталарга ўз хулоса ва таклифларини маълум қиладилар.

27-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва қўмиталарининг мажлислари заруратга қараб чақирилади ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг мажлислари ўртасида ҳам, шунингдек сессиялар оралиғидаги даврда ҳам ўтказилади.

28-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва қўмиталарининг мажлислари, агар уларда комиссия ёки қўмита таркибининг камида ярми ҳозир бўлса, қонуний кучга эга бўлади. Мажлисга келиш имконияти бўлмаган таклифда комиссия ёки қўмита аъзоси бу ҳақда Мандат комиссияси ёки қўмита раисига хабар қилади.

29-модда.
Мандат комиссияси ва қўмиталар ёки бир неча қўмита ихтиёридаги масалалар мандат комиссияси ва қўмиталар томонидан ҳамкорликда тайёрланиши ҳамда қараб чиқилиши мумкин.

Мандат комиссияси ва қўмитанинг ёки қўмиталарнинг қўшма мажлисларини уларнинг раислари ўзаро келишилган ҳолда бошқарадилар.

Мандат комиссияси ёки қўмита ўзи қараб чиқаётган масалалар бўйича бошқа қўмиталарнинг фикрини сўраши мумкин.

30-модда.
Агар Мандат комиссияси ёки қўмиталар қараб чиқмоқ учун ўзига топширилган масала бошқа қўмитага ҳам дахлдор деб ҳисобласа ёки бошқа қўмита қараб чиқаётган масала юзасидан ўз фикрини билдириши зарур деб топса, у ҳолда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига ёки Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раисига бу хусусда таклиф киритишга ҳақли.

Мандат комиссиясининг, бошқа қўмиталарнинг илтимосига биноан қўмита ўз ихтиёридаги масалалар бўйича шу комиссия ёки қўмиталар қараб чиқаётган масалаларни тайёрлашда қатнашиши мумкин.

31-модда.
Айнан бир масала бўйича Мандат комиссияси, қўмиталарнинг фикри турлича бўлган тақдирда улар келишмовчиликни бартараф этиш чораларини кўрадилар. Ана шу мақсадда ушбу қўмиталар таркибига киradиган халқ депутатлари орасидан муросага келтирувчи гуруҳлар тузилиши мумкин. Агар улар келиша олмасалар, ўз таклифларини Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсати, зарур ҳолларда эса Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши эътиборига етказадилар.

32-модда.
Кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан Мандат комиссияси, қўмиталар тавсия тарзида қарорлар қабул қиладилар ва хулосалар чиқарадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси қўмиталарида барча масалалар комиссия ёки қўмита аъзолари умумий таркибининг оддий кўпчилик овози билан ҳал этилади.

Қўшма мажлислар ўтказилаётганда қарорлар Мандат комиссияси ёки қўмиталар аъзолари умумий таркибининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

33-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси, қўмиталарининг мажлислари очиқ ўтказилади. Мажлисларга давлат ва жамоат идоралари ҳамда ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар таклиф этилиши мумкин, улар мажлисларда маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашадилар.

Зарур бўлган тақдирда Мандат комиссияси ёки қўмита ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

34-модда.
Мандат комиссияси ёки қўмитанинг раиси уларнинг ишига раҳбарлик қилар экан:

зарур материалларнинг тайёрланишини ташкил этади, комиссия ёки қўмитанинг мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

комиссия ёки қўмита аъзоларига топшириқлар беради, уларга комиссия ёки қўмита фаолияти билан боғлиқ материаллар ва ҳужжатларни юборади;

тайёрлов комиссиялари ва ишчи гуруҳларининг ишида қатнашиш учун, шунингдек, комиссия ёки қўмитанинг бошқа топшириқларини бажариш учун комиссия ёки қўмита аъзоларини чақиради;

давлат ва жамоат идоралари ҳамда ташкилотларининг вакилларини, мутахассис ва олимларни комиссия ёки қўмита ишида қатнашишга таклиф этади;

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессияларида, давлат ва жамоат идоралари ҳамда ташкилотлари билан бўладиган муносабатларда комиссия ёки қўмита номидан вакиллик қилади;

комиссия ёки қўмита қарорларини бажариш юзасидан ишларни ташкил этади;

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига унинг топшириқларини бажариш юзасидан ахборот беради;

комиссия ёки қўмитанинг қарорлари бажарилганлиги ва унинг тавсиялари қараб чиқилганлиги ҳақида комиссия ёки қўмита аъзоларига ахборот беради.

35-модда.
Мандат комиссияси ёки қўмита раисининг ўринбосари раис берган ваколатга кўра унинг айрим вазифаларини бажаради ҳамда раис йўқ бўлганда ёки у ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолларда раис вазифасини бажариб туради.

36-модда.
Мандат комиссиясининг ёки қўмитанинг котиби комиссия ёки қўмита Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Котибиятининг тегишли бўлинмалари билан самарали ишлашини таъминлайдиган мувофиқлаштириш ишларини амалга оширади;

III. МАНДАТ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ҚЎМИТАЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

38-модда.
Ўзбекистон ССР Конституциясининг 107-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари Ўзбекистон ССР Олий Кенгашида қонун лойиҳалари таклиф этишга тенг ҳуқуқлидирлар.

Қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқи Ўзбекистон ССРнинг янги қонун лойиҳаларини, Ўзбекистон ССРнинг амалдаги қонунларини ўзгартириш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини киритиш шаклида, шунингдек, Ўзбекистон ССРнинг янги қонунларини қабул қилиш ёки Ўзбекистон ССРнинг амалдаги қонунларига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги таклифларни (қонунчилик борасидаги таклифларни) киритиш шаклида амалга оширилади.

39-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига Ўзбекистон ССРнинг қонун лойиҳаларини ва давлат ҳаётининг бошқа ғоят муҳим масалаларини халқ муҳокамасига қўйиш тўғрисида таклиф киритишга ҳақлидир.

Фуқаролардан, меҳнат жамоаларидан, муассасалардан ва ташкилотлардан қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар юзасидан муҳокама давомида тушган таклифлар амалдаги қонунларда белгиланган тартибда қараб чиқилади ва умумлаштирилади.

40-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши сессиясининг кун тартиби юзасидан таклифлар киритиш, ўз ихтиёридаги масалалар бўйича Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши мажлисларида маъруза ва қўшимча маъруза билан сўзга чиқиш ҳуқуқига эга.

Мандат комиссияси ва қўмиталар ўзлари Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига киритган масалалар бўйича ёхуд дастлабки тарзда ёки қўшимча равишда қараб чиқиш учун комиссияга ёки бўлмаса қўмиталарга берилган масалалар бўйича ўз маърузачилари ёки қўшимча маърузачиларини белгилайдилар.

Мандат комиссияси ва қўмиталар ўзлари биргаликда тайёрлаган масалалар бўйича қўшма маърузалар ёки қўшимча маърузалар билан сўзга чиқишлари ёхуд ўз таклиф ва мулоҳазаларини алоҳида тақдим этишлари мумкин.

41-модда.
Ўзбекистон ССР Конституциясининг 113-моддасига мувофиқ Мандат комиссияси ва қўмиталари Ўзбекистон ССР Президентига, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раисига, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши тузадиган ёки сайлайдиган бошқа идораларнинг раҳбарларига, шунингдек Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларига Ўзбекистон ССР ихтиёридаги масалалар юзасидан сўров билан мурожаат этиш ҳуқуқига эгалар.

42-модда.
Ўзбекистон ССР Конституциясининг 112-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ўз ихтиёридаги масалалар бўйича давлат ва жамоат идоралари ҳамда ташкилотларидан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, ёзма хулосалар, ҳисобот маълумотлари ва бошқа материалларни беришни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Барча давлат ва жамоат идоралари, ташкилотлар ва мансабдор шахслар Мандат комиссияси ва қўмиталарнинг талабларини бажаришлари, уларга зарур материалларни ва ҳужжатларни беришлари шарт.

43-модда.
Давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, бошқа мансабдор шахслар Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталарига нотўғри ахборот берганликлари ёхуд ахборотни атайин яширганликлари учун Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

44-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ўз ихтиёрларидаги масалалар бўйича Ўзбекистон ССР Ҳукуматига таклифлар билан кириш ҳуқуқига эгадирлар.

45-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари Ўзбекистон ССР Ҳукуматининг аъзоларини, Ўзбекистон ССР вазирликлари, давлат қўмиталари , ва идораларининг раҳбарларини, Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари, Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг, Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларини ўз мажлисларига таклиф этиб, уларнинг Ўзбекистон ССР қонунлари, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қарорлари, Мандат комиссияси ва қўмиталарнинг тавсиялари қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотларини тинглашга ҳақлидирлар.

Мандат комиссияси ёки қўмитанинг таклифига кўра мазкур ташкилотнинг раҳбарлари ёки вакиллари комиссия ёки қўмитанинг мажлисига келишга ҳамда улар қараб чиқаётган масалалар бўйича тушунтиришлар беришга мажбурдирлар.

Мандат комиссияси ва қўмиталар тегишли идоралар ва ташкилотларни қараб чиқиладиган масалалар ҳусусида барвақт хабардор қиладилар.

46-модда.
Ўзбекистон ССР вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари, бошқа умуммиттифоқ, республика ва маҳаллий давлат ҳамда жамоат идоралари ва ташкилотларининг фаолиятига доир масалалар бўйича Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ишлаб чиққан тавсиялар тегишли идораларга ва ташкилотларга юборилади ҳамда зарур ҳолларда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига, Ўзбекистон ССР Ҳукуматига маълум қилинади.

47-модда.
Ўзбекистон ССР Конституциясининг 112-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва қўмиталарининг тавсияларини давлат ҳамда жамоат идоралари ва ташкилотлари кўриб чиқишлари шарт. Кўриб чиқиш натижалари ёки кўрилган чоралар ҳақида комиссия ёки қўмиталарга, агар Мандат комиссияси ёки қўмиталар бошқа муддат белгилаган бўлмасалар, узоғи билан бир ой муддат ичида хабар берилиши лозим.

48-модда.
Ўзбекистон ССР Конституциясининг 116-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари Ўзбекистон ССР Конституциявий назорат қўмитаси томонидан давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ҳужжатлари Ўзбекистон ССР Конституциясига ҳамда Ўзбекистон ССРнинг қонунларига қанчалик мувофиқлиги тўғрисида хулосалар тайёрлаш хусусида таклиф киритиши мумкин.

IV. ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ МАНДАТ КОМИССИЯСИ ВА ҚЎМИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

49-модда.
Ўзбекистон ССР Конституциясининг 112-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР қонунлари ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бошқа қарорлари, қоида тариқасида, уларнинг лойиҳалари Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссиясида, тегишли қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама этилгандан кейин кабул қилинади. Қонунларни тайёрлаш, қабул қилиш, ушбу масалаларда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва қўмиталарининг иштирок этиш тартиби Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Иш тартиби билан белгиланади.

50-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг топшириғига биноан ёки ўз ташаббусларига кўра комиссия ёки қўмиталар ихтиёридаги масалалар юзасидан Ўзбекистон ССР қонунларининг ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бошқа қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқадилар, қонунларни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни тайёрлайдилар.

51-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қўмиталари давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишнинг тегишли тармоқларидаги аҳвол ҳамда уларни ривожлантириш масалаларини дастлабки тарзда қараб чиқадилар ва тайёрлайдилар, шу масалалар юзасидан таклифлар ишлаб чиқадилар.

52-модда.
Ўзбекистон ССР Конституциясининг 112-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига ёки Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раисига келиб тушган қонун лойиҳалари ёки қонун чиқариш ҳақидаги таклифлар дастлабки тарзда қараб чиқиш ҳамда улар устида бундан буён иш олиб бориш тартиби тўғрисида таклифлар тайёрлаш учун Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ёки тегишли қўмиталарига ва айни бир вақтда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот масалалари қўмитасига юборилади. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ёки Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсати қонун лойиҳаси устида ишлашни худди шу ёки бошқа таркибда давом эттириш тўғрисидаги таклиф бўлади.

53-модда.
Ўзбекистон ССР қонунларининг лойиҳалари ва қонун чиқариш ҳақидаги таклифлар қараб чиқмоқ учун уларни ишлаб чиқиш зарурлиги асосланган, бўлғуси қонунларнинг мақсадлари, вазифалари ва асосий қоидалари батафсил таърифланган ҳолда, шунингдек уларни қўллашдан кутилаётган ижтимоий-иқтисодий оқибатларни кўрсатган ҳолда тақдим этилади. Бунда қонун лойиҳасини тайёрлашда иштирок этган жамоалар ва шахслар кўрсатилади. Амалга оширилиши қўшимча моддий ва бошқа харажатларни талаб қиладиган лойиҳаларни тақдим этиш чоғида уни молиявий-иқтисодий асослайдиган ҳужжатлар илова этилади.

54-модда.
Ўзбекистон ССР қонун лойиҳаларини ёки қонун чиқариш ҳақидаги таклифларни қараб чиқиш тартибини Мандат комиссияси ёки тегишли қўмита Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Иш тартибининг талабларига мувофиқ мустақил белгилайди.

55-модда.
Депутатларнинг тайёрлов комиссияси ёки ишчи гуруҳи тайёрланаётган лойиҳани халқ депутатлари тегишли Советларининг иштирокида жойларда — меҳнат жамоаларида, илмий муассасаларда, жамоат ташкилотларида, фуқароларнинг йиғилишларида, ижтимоий ташаббускор идораларда дастлабки тарзда муҳокама қилиш ҳақида шу қонун лойиҳаси ёки қонун чиқариш ҳақидаги таклиф бўйича бош деб ҳисобланган комиссия ёки қўмита розилиги билан қарор қабул қилишга ҳақли.

56-модда.
Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш давомида тушган таклиф ва мулоҳазалар депутатлар тайёрлов гуруҳи томонидан ҳамда бу гуруҳнинг иш натижалари тўғрисидаги маърузаси бўйича бош қўмитанинг мажлисларида кўриб чиқилади.

57-модда.
Зарур ҳолларда қонун лойиҳалари илмий экспертизага юборилади, улар юзасидан Ўзбекистон ССР ҳукуматининг хулосаси, Ўзбекистон ССР ҳамда Қорақалпоғистон МССР тегишли вазирликлари ва идораларининг, давлат ва жамоат идораларининг шунингдек мутахассис олимларнинг фикри сўралиши мумкин.

58-модда.
Мандат комиссияси ва қўмиталар ўрганиб чиқиш учун ўзларига берилган қонун лойиҳаларини дастлабки тарзда қараб чиқиш натижалари юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига ёки Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига ўз хулосаларини тақдим этадилар. Хулосаларда Ўзбекистон ССР қонуни лойиҳасини Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш ёхуд қонун лойиҳасини рад этиш ёки қонун лойиҳаси устида ишлашни худди шу ёки бошқа таркибда давом эттириш тўғрисидаги таклиф бўлади.

59-модда.
Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилиш чоғида қонун лойиҳасининг ташаббускори бўлган бош комиссия ёки қўмита Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида маъруза қилади, ташаббускор бўлмаган комиссия ёки қўмита эса қўшимча маъруза қилади.

Шундан кейинги ўқишларда Мандат комиссияси ёки қўмиталар маъруза билан ҳам, қўшимча маърузалар билан ҳам чиқишлари мумкин.

60-модда.
Ўзбекистон ССР Конституциясининг 102 ва 112-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон ССР Вице-Президентини, Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосарларини, ўринбосарларини, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон ССР Олий суди таркибига кирувчи бошқа мансабдор шахсларни, Ўзбекистон ССР Прокурори, Ўзбекистон ССР Халқ назорати қўмитаси Раисини, Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик суди Раисини, вилоят ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Раисини, Ўзбекистон ССР Давлат банки бошқарувининг Раисини тасдиқлаш, тайинлаш ёки сайлаш, ҳукумат томонидан тайёрланган Ўзбекистон ССР бюджетини, республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим республика дастурини тасдиқлаш, шунингдек тасдиқланган бюджетни, дастурларни ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни тасдиқлаш Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши тегишли қўмиталарининг хулосалари мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

61-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан сайланиши, тасдиқланиши ёки тайинланиши керак бўлган мансабдор шахсларнинг номзодларини Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилиш тартиби Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Иш тартибининг талабларига мувофиқ мустақил белгилайди.

62-модда.
Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг тегишли қўмиталарига Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ёхуд Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Ўзбекистон ССР Халқ назорати қўмитаси, Ўзбекистон ССР Олий суди ва Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг ҳисоботларини хулосалар бериш учун юборади, қўмиталар ўз хулосалари билан бирга ушбу ҳисоботлар юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қарорларининг лойиҳаларини тайёрлайдилар.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ МАНДАТ КОМИССИЯСИ ВА ҚЎМИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

63-модда.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари Ўзбекистон ССР халқ депутатларига берилган наказлар бўйича таклиф ва мулоҳазалар киритадилар. Мандат комиссияси ва қўмиталарнинг таклиф ҳамда мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон ССР халқ депутатларига берилган наказларни умумлаштирадилар ва дастлабки тарзда қараб чиқадилар.

64-модда.

Қўмиталар ўзларига Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати йўллаган Ўзбекистон ССР бюджетининг лойиҳаларини, унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни, шунингдек Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг ғоят муҳим дастурлари лойиҳаларини дастлабки тарзда қараб чиқадилар ҳамда ана шу лойиҳалар ва тегишли қонун ҳамда қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз хулосаларини тайёрлайдилар.

65-модда.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қўмиталари Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига тақдим этиш учун Ўзбекистон ССР бюджети, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурларининг ёки уларнинг айрим бўлимларининг муқобил вариантларини ишлаб чиқишлари мумкин.

66-модда.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қўмиталари Ўзбекистон ССР бюджети, шунингдек иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим дастурлари Олий Кенгаш сессиясида қараб чиқилишидан камида икки ҳафта олдин План ва бюджет-молия масалалари қўмитасига бюджет, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурлари юзасидан, шунингдек Ўзбекистон ССРнинг тегишли қонунлари ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қарорлари лойиҳалари юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини маълум қиладилар.

67-модда.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг топшириғига, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг тавсияларига биноан Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари сайловчилар наказларини амалга ошириш тадбирларининг, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши сессияларида халқ депутатлари билдирган таклиф ва танқидий мулоҳазалар, сўровларнинг бажарилишини назорат қиладилар.

V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

68-модда.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси, қўмиталари Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг бутун иши юзасидан ёки фаолиятининг айрим масалалари бўйича унинг ҳисоботини тинглаш ҳақида таклифлар киритиши мумкин.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи натижалари бўйича қўмиталар ва комиссия Ўзбекистон ССР ҳукуматининг айрим аъзолари эгаллаб турган лавозимларига лойиқлиги ёки лойиқ эмаслиги ҳақида таклифлар киритишлари мумкин.

69-модда.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари ўз фаолиятларини ошкоралик асосида амалга оширадилар, фаолиятлари ҳақида жамоатчиликни кенг хабардор қиладилар. Мандат комиссиясининг, қўмиталарнинг, тайёрлов комиссияларининг ва ишчи гуруҳларининг мажлисларига матбуот органлари, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

Мандат комиссияси ва қўмиталарнинг иши тўғрисидаги ахборотлар «Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Ахборотномаси»да, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бошқа нашрларида, республика рўзномаларида босиб чиқарилади, шунингдек телевидение ва радио орқали эшиттирилади.

70-модда.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва қўмиталарига ташкилий, техникавий ва бошқа хизматлар кўрсатишни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Котибияти таъминлайди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июнь.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ МАНДАТ КОМИССИЯСИ ВА ҚЎМИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Кенгаши

қарор қилади:

1. «Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни эълон қилиниши билан ноқ амалга киритилсин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

«Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 1975 йил 12 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Қонуни (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1975 йил, № 33, 456-модда);

«Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари тўғрисидаги Низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 1980 йил 14 мартда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Қонуни (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1980 йил, № 9, 105-модда);

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1987 йил 13 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон ССР-нинг давлат арбитражи масалаларига доир қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармонининг 2-моддаси (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1987 йил № 20, 204 модда).

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июнь.

• Журналист ён дафтаридан

ҲАҚИҚАТНИНГ ОЛИС ЙЎЛЛАРИ

— Бундан тўрт йил муқаддам қабулхонангизда бошқача аснода суҳбатлашган эдик, — деди янги суҳбатдошим самимий табассум билан. Бобомурод Ғафуровни дабдурустдан таний олмадим. Миянинг қайсидир бир қоронғи бурчагида ялт этиб чироқ ёқилгандай бўлди. Дарҳол ўша учрашув тафсилоти хотирага келди: улар икковлон бўлиб редакциямизнинг Бухородаги жамоатчилик қабулхонасига кириб келишганди. Асоссиз қувғинларга учраган Когон ноҳияси ижроқўмининг раиси ўринбосари Бобомурод Ғафуров ва Тўтикунда қишлоқ Совети ижроқўмининг раиси Исмоил Тўхтаевнинг ўшандаги қиёфаси бир ҳолатда эди. Тунгача суҳбатлашдик. Туҳмат тиғидан тирналган кўнгилларга ҳолиқудрат таскин беришга уриндик. Адолатни тиклашга ёрдам беришни кўнгилдан ўтказдик.

Хўш, партиядан қувилган икки ёш йигитнинг айби нима экан? Тергов материалларига кўра улар «Коммунизм» меҳнат жамоаси ерини талон-торож қилиш, хизмат вазифасини суиистеъмол этишда айбланган эдилар. Ажабо, икки ёш совет ходимининг жамоа ерига нима алоқаси бор? Бу саволга жавоб топиш учун саксоннинчи йилларнинг бошида юз берган бошқа бир учрашув тафсилотини тиклашга тўғри келади...

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Ш. Рашидовнинг яхши бир одати бор эди. Ҳар йили эрта баҳорда у вилоятма-вилоят кезиб қишлоқ хўжалик ишларига ҳозирликнинг аҳволини шахсан кўздан кечирар, деҳқонлар билан мулоқотда бўларди. Бир сафари Когон ноҳияси орқали ўтди. Йўл ёқасидаги хароба қишлоқларнинг бири кайфиятини бузди шекилли, машинани тўхтатишни буюрди. Қишлоқ ободончилигига етарли аҳамият бермаётган ноҳия ва вилоят раҳбарларини «сўроққа» тутиб қолди. Шундай қалтис бир вазиятда қишлоқ қурилишининг мутасаддиси сифатида унга Бобомурод Ғафуровни рўпара қилишди. Маҳаллий раҳбарлар шундай йўл билан катта раҳбарнинг қаҳрини қайтармоқчи эдилар, албатта. Шароф Рашидов қаршисида ҳаяжондан титраб турган ёш йигитни кўриб, беихтиёр кулимсиради, мулозимлар ҳам дарҳол илжайиш билан жавоб беришди.

— Ҳали ёш экансиз, — деди Шароф Рашидович унинг елкасига қоқиб. — Мана сизга ғайратингизни кўрсатиш учун кенг майдон. Хароба қишлоқни бузиб, замонавий қўрғон қурилишига бош бўлинг. Бу сизга партиявий топшириқ!

Жумҳурият раҳбари ҳаммани ўзига эргаштириб жўнаб кетди. Бобомурод эса қишлоқ кўчасида ёлғиз қолди. Унинг бошқа амалдорлардек ҳали хизмат машинаси ҳам йўқ эди...

Отадан эрта етим қолган Бобомурод ёш бўлса ҳам ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган эди. Укаларини оёққа турғазиш учун ўқишни йиғиштириб темир йўл устахонасида дурадгорлик қилди. Устачилик билан бироз ўзини ўнглаб олгач, ишлаб чиқариш мураббийси сифатида мактабга ишга кирди. Тошкент политехника институтининг Бухородаги филиалида ўқий бошлади. Партия сафига қабул қилинди. Кўп ўтмай институтни муваффақиятли тугатган йигит ишчанлиги, билимдонлиги билан кўзга кўриниб қолди. Уни ёғ тинитиш заводига директор ўринбосарлигига тавсия этишди. Орадан бир неча йил ўтар-ўтмас райкомга ишга олишди. 80-йилнинг баҳорида эса у ижроқўм раисининг қурилиш бўйича ўринбосарлигига тасдиқланди.

Қишлоқ кўчасидаги учрашув мана шу кунларнинг бирида юз берди. Бобомурод енг шимариб ишга киришди. Унинг ташаббускорлиги билан қисқа фурсатда янги қўрғоннинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлди. Уй-жой учун бир парча ер олган бахтиёр оилалар қурилишларни бошлаб юборишди. Тез орада Бухоро — Когон йўлининг ёқасида янги уйлар турнақатор бўлиб тизилди.

Бу орада жумҳурият сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлди. Шароф Рашидовнинг раҳбарлик даврида амалга оширилган барча ишлар яхши-ёмонга ажратилмай ёппасига қораланди. Гдлян бошлиқ марказдан юборилган қораловчилар гуруҳи ишни Бухородан бошлади ва дуч келган одамнинг бетига қора бўёқ чапланди.

Бобомурод Ғафуров эса ҳеч нарсадан бехабар кишидек вазифасини бажаришда давом этди. У кичик лавозимдаги одам эди. Лекин вилоятдаги катта йиғинларнинг бирида «бу кичик одам»нинг ҳам номи тилга олинди. Ғафуров янги қўрғон қурилиши учун жамоа ерини талон-торож қилиш, суиистеъмолчиликларда айбланмоқда эди. Ногаҳон туҳмат аламига чидай олмаган Бобомуровнинг тенгдошлари «исбот» излашга киришишди.

Когон ноҳияси партия қўмитасининг бюроси тергов ходимларининг тақдимномасига биноан Б. Ғафуров ва И. Тўхтаевни партия сафидан ўчиришди. Ноҳия раҳбарлари йўлдаги учрашувни гўёки унутишган эди. Янгиқўрғон қурилиши Б. Ғафуров ва И. Тўхтаевнинг «ер сотиш» учун кўрсатган ташаббуслари сифатида талқин этилди. Қилдан қийиқ чиқариш учун ҳамма нарса қилинди. Терговчилар «жайдари» бўлишса ҳам марказдан келганлардан қолишмасди.

Ўша йилларда прокуратурадан юборилган бир энлик қоғоз Бухорода ўнлаб ва юзлаб коммунистларнинг тақдирини ҳал қиларди. Партия қўмиталаридаги мансабпарастлар ҳам, прокуратурадаги амалдорлар ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси XIV пленуми қарорлари бажарилгани тўғрисида тезроқ рапорт бериш учун куч-ғайратларини аяшмади. «Ўзбеклар иши» айни аввки палласига чиқмоқда эди.

Бобомурод Ғафуровдек жабрдийдаларнинг шикоятномалари расмиятчиликнинг бир поғонасидан иккинчи поғонасига силлиққина ўтиб, уларнинг мазмуни ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Булар ҳали суд ҳукми чиқмасдан маҳкум этилган кишилар эдилар. Бироқ ҳақиқат эгилди-ю, синмади. Б. Ғафуров ва И. Тўхтаев партия сафларига тикланишди.

...Йўл ёқасида суҳбатдошим Бобомурод Ғафуров билан хайрлашар эканмиз, бошқармада бўлиб, жамоадаги аҳвол билан танишишга аҳд қилдим. Кўп ўтмай бунинг учун имконият ҳам туғилди.

Меҳнат жамоаси Қизилқум остидан мамлакатнинг марказий минтақаларига чўзилиб кетган улкан газ қувурларини таъмирлаш билан шуғулланади. Кейинги ўттиз йилда улар анча эскириб қолди. Саҳро шароитида ишлаш осон эмас. Ўтган йили бошқарма меҳнат аҳли етти миллион сўмликдан зиёд иш бажарди. Деярли ўттиз километрлик газ қувурлари таъмир этилди. Яқинда Газлидаги Бош иншоотда фалокат юз берганида ҳам биринчи бўлиб ёрдамга келган бошқарма монтажчилари бўлишди. Н. Мақсумов, В. Кузнецов каби бригадирлар, К. Мирзаферов, Ш. Муродов, В. Шарипов, С. Мустафоев сингари монтажчилар билан суҳбатлашар эканмиз, улар бошқарма бошлиғи Б. Ғафуров тўғрисида илиқ сўзларни айтишди. Худди шундай сўзларни трест бошқарувчиси Қурбон Бақоевдан ҳам эшитдик.

Айни маҳалда трестнинг барча бўлинмалари куч-ғайратни бирлаштириб, йирик саноторий-профилакторий қурилишини поёнига етказишмоқда. Ёзда у пионерлар лагери, қишда эса қурувчилар оромгоҳи бўлади. Яхши раҳбар — чин падар, дейишади. Коммунист Бобомурод Ғафуров шундай раҳбарлардан бири. У билан бирга «қораланган» Исмоил Тўхтаев ҳам яна ҳаётдан ўз ўрнини топди, энди у Когон темир йўлчилар билим юртининг директори сифатида самарали ишламоқда.

Лекин Навоий ноҳияси агросаноат бирлашмасининг собиқ раиси Омондулла Уроқов тақдири ҳамон ташвишлидир. Тошкент халқ хўжалиги институти ва олий партия мактабида таҳсил кўрган О. Уроқов 80-йилларнинг бошида кўзга ташланди. Меҳнат жамоаси раиси, давлат хўжалиги директори, агросаноат бирлашмаси раиси вазифаларига кўтарилди. 1985 йилда «пахта иши» бўйича жиноий жавобгарликка тортилиб, узоқ йиллар ҳибсхона азобини тортди. Фақат 1989 йилда унинг айбини тасдиқловчи далиллар топилмагач, жавобгарликдан озод этилди.

Ҳозир коммунист О. Уроқов бир пайтлар ўзи бошқарган «СССР 60 йиллиги» давлат хўжалигида ёрдамчи иқтисодчи бўлиб ишлаяпти. Ўн фарзанд отасининг маоши 190 сўм. Наҳотки, туҳмат балосига мубтало бўлган покиза коммунистнинг билим ва тажрибасига мос иш топилмаса? Бошига тушган кўргуликларга қарамай, у ҳали партияга ишончини йўқотгани йўқ!..

Партияга ишончини йўқотган бошқа бир собиқ раҳбар билан поездда учрашиб қолдик. Шофиркон ноҳиясининг қатағон қилинган собиқ колхоз раисларидан бири-дан аччиқ ҳақиқатни эшитишга тўғри келди. Бундан бир неча йил муқаддам айбсиз айбдорларни партиядан қувишда ташаббус кўрсатиб, энди қайта тиклаш масаласи қўйилаётганда эса, ҳақиқатдан юз ўгираётган иккиюзламачи партия ходимлари ҳақида алам билан гапирди. Афсуски, бу танбеҳда ҳам ҳақиқат бор...

Тонгда поезддан тушар эканмиз, у ноўрин танбеҳлари учун биздан узр сўраган бўлди. Оқланиб, партия билетини қайтариб олгач, КПССдан чиқиш нияти борлигини ҳам яшириб ўтирмади. Нима ҳам дейиш мумкин? Ҳар ким ўз йўлини ўзи белгилайди. Яқинда ҳибсхонадан озод этилган бу одам замона ўзгаришини тўла ҳис қилганича йўқ. Балким, у ҳали ўз фикрини ўзгартирар. Партия энди томошабин эмас, у коммунист тақдири учун курашмоғи керак.

...Бундай учрашувлар пайтида партия ходимларига, журналистларга қийин саволларга жавоб беришга тўғри келмоқда. Яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Компартияси Уставидан бу саволларга жавоб топиш мумкин. Унинг 9-бандида таъкид этилишича, энди партия ҳар бир коммунистга раҳнамолик қилади, Конституцияда белгиланган ва бошқа ҳуқуқлари камситилса, унинг нафсонияти ва қадр-қимматини ҳимоя қилади. Адолат шуни тақозо этади.

Ҳозир жумҳуриятимиздаги барча партия ташкилотларида бўлгани каби Бухорода ҳам «пахта иши» қурбонларини сиёсий оқлаш жараёни давом этмоқда. Кўпгина партия қўмиталарига маъмурий органларнинг бир энлик «ахборот»ни асосида коммунистга берган баҳоларини қайта кўриб чиқишга тўғри келмоқда. Бундан тегишли сабоқлар чиқариш лозим.

Адолатсизлик қўлни ишдан, одамни ҳаётдан совутгани каби, адолат тантанаси яшашга, яратишга ундайди. Адолатнинг буюк қудрати ҳам ана шунда!

Н. НАЙМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ даволаш муассасалари яқинда 6 тоннага яқин турли табобат дорилари, бир марта ишлатиладиган шприцлар ва бошқа анжомлар олдилар. Бу ёрдамни Америка Қўшма Штатларининг «Проект—ХОУП» — «Надежда» хайрия ташкилоти берди.

Суратда: Америка Қўшма Штатларининг ССРдаги элчихонаси иқтисодиёт бўлимининг биринчи котиби Жудит М. Дин, ташкилот маъмури Сюзан Пратт, Хива ноҳиясидаги болалар касалхонасининг бош шифокори Бахтиёр Қосимов ва ноҳия марказий касалхонаси бош врачи Шавкат Жуманиёзов.

Қ. ОТАЕВ (ЎзТАГ) олган сурат.

Сайёрамиз нафаси

Р. Горбачеванинг китоби нашр этилади

НЬЮ-ЙОРК, 10 июль. (ТАСС). Америкадаги «Харпер коллинз» нашриёти шу йил сентябрь ойида Р. М. Горбачеванинг «Умид қиламан...» номли китобини нашр этиш режаси борлигини хабар қилди. Бу китоб АҚШ, Буюк Британия ва Совет Иттифоқида айни бир пайтда босилиб чиқади.

«Нью-Йорк таймс» рўзномасининг ёзишича, «Харпер коллинз» эгаси Руперт Мэрдок «Яқинда Москвага борган пайтида китобни нашр этиш ҳақида музокаралар ўтказган». Рўзноманинг ёзишича, Р. М. Горбачеванинг китоби унинг Сибирда ўтган ёшлигидан бошлаб бутун ҳаёти ҳақидаги ҳикоядир. Унга Нэнси Рейган ва Барбара Буш билан учрашувларда олинган таассуротлар киритилган. Китоб совет ёзувчиси Георгий Пряхин билан суҳбатлар тарзида ёзилган.

Совет-Афғон қўшма корхонаси

КОБУЛ, 10 июль. (ТАСС мухбири Игорь Иванцов). Душанба куни Кобулда совет-афғон янги қўшма транспорт корхонаси таъсис этилди. Унга «Саланг-Европа» номи берилди.

Ушбу транспорт тижорат ташкилотини совет томонидан «Совтрансавто» ва «Совавтотерминз» бирлашмалари, Афғонистон томонидан «Мусофир маъруф» хусусий фирмаси таъсис этдилар.

Янги корхонани таъсис этиш маросимида Афғонистон жумҳурияти Бош вазирининг ўринбосари Абдулсамат Салим ва Сурхондарё вилоят кенгашининг раиси Х. Э. Бердиев бошчилигидаги Ўзбекистон ССР мазкур вилоят делегацияси ҳозир бўлди. Делегация Афғонистон жумҳурияти ҳукуматининг таклифига биноан Афғонистон пойтахтида меҳмон бўлиб турибди.

Делегациянинг Афғонистонда бўлишидан асосий мақсад иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-харид ишлари билан ҳамда автомашиналарга техникавий хизмат кўрсатиш билан ҳам шуғулланади.

Делегация Сурхондарё вилояти тимсолида Афғонистон билан Ўзбекистон ўртасидаги бевосита алоқаларни чуқурлаштириш масалаларини муҳокама қилишдир. Янги корхонанинг ташкил этилиши бу борадаги дастлабки қадам бўлди.

Корхона Европа мамлакатларидан Совет Иттифоқи билан Афғонистон ҳудуди орқали Ҳиндистон, Покистон ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига ва бу мамлакатлардан Европа қитъасига халқаро транспорт воситаларида юк ташишга ихтисослашади.

Қўшма корхонанинг бошланғич сармояси 900 миллион афғонини ташкил этади. Унинг кўп юк ортиладиган 125 та автомашинаси бор.

«Саланг-Европа» қўшма корхонаси юк ташишдан ташқари саёҳатчиликни ривожлантириш, савдо-харид ишлари билан ҳамда автомашиналарга техникавий хизмат кўрсатиш билан ҳам шуғулланади.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«ТЎСИҚ»

Рўзномамизнинг шу йил 31 май сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада Андижон тиббиёт олийгоҳини қуриш чўзилиб кетаётганлиги сабаблари кўрсатиб ўтилганди. Мақола юзасидан ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИДАН расмий жавоб олинди:

— Вазирлик коллегияси мақола билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади: Шу йил биринчи ярим йиллигида вазирлик томонидан Андижон тиббиёт олийгоҳи талабалари учун 600 ўринли ётоқхона қурилди. 1989 йил қурилиши бошланган ўқув-лаборатория корпусини келгуси йилда ишга тушириш мўлжалланмоқда. Олийгоҳ клиникасининг реанимация корпусини қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаб берилди.

Бироқ, вазирлик ихтиёрида қуриб тугатилмаган ишлар ҳажми кўпайиб кетганлиги туфайли Ўзбекистон ССР иқтисодиёт комитети томонидан 1990-1991 йилларда реанимация корпусини қуриш режадан чиқариб ташланди.

Морфология корпусини 1992 — 1993 йилларда лойиҳалаш ва 1994 йилда қуриш режалаштирилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Андижон вилоят ижроия қўмитасига бир неча маротаба қилган мурожаатимизга қарамай ижроия қўмита тиббиёт институти учун қуриб бериши лозим бўлган биноларни бошлаганича йўқ.

Шунингдек, маиший хизмат комбинати ва кинотеатр биносини қуриш ҳам бошланмаган. Олийгоҳ қурилиши бўйича чиқарилган ҳукумат қарорлари айрим раҳбар органлар томонидан бажарилмаётганлиги туфайли жумҳуриятда соғлиқни сақлаш объектлари қурилиши режаларининг мунтазам барбод бўлишига олиб келмоқда. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг илтимосига кўра, шу йил апрель ойида соғлиқни сақлаш объектлари қурилишининг аҳволи жумҳурият Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқилди. Бироқ ҳанузгача ўзгариш сезилмаётир. Масалан, жумҳуриятда тиббиёт олийгоҳлари объектларини қуриш беш ойлик плани 68 фоиз бажарилиб, ажратилган маблағнинг 27,6 миллион сўми ўзлаштирилмай қолиб кетди.

ТАҲРИРИЯТДАН: Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва жумҳурият Министрлар Совети 1983 йил 7 апрелдаги Андижон тиббий олийгоҳи ҳақидаги қарорида вилоят ижроия қўмитасига малака ошириш факультетлари, уч юз ўринли ошхона, тўрт юз минг китобга мўлжалланган кутубхона ва ўқув зали, 140 ўринли болалар яслиси ва боғчаси, 48 та хонадонга мўлжалланган тўртта турар-жой биносини қуриб бериш топширилган эди. Шунингдек қарорга кўра Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш вазирлиги маиший комбинатни, жумҳурият Давлат кинематография қўмитасини 800 ўринли кинотеатр биносини қуришни режалаштирганди.

Аммо Андижон вилоят ижроия қўмитаси ҳам, жумҳурият аҳолига маиший хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат кинематография қўмитаси ҳам мақолада келтирилган ва ўзларига тегишли бўлган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қилинган ишлар, кўрилган чора-тадбирлар ҳақида рўзномамизга ҳанузгача жавоб йўллашгани йўқ.

Таҳририят вилоят ижроия қўмитасидан, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Давлат кинематография қўмитасидан тегишли расмий жавоблар кутади.

СИЁСИЙ ТАНГЛИК

● **ҚОҲИРА**

Ички зиддиятлар ва араблар ўртасидаги ўзаро ишончсизлик оқибатида араб давлатлари иттифоқи молиявий ва сиёсий тангликни бошидан кечирмоқда. Мазкур ташкилотнинг баъзи раҳбар ходимлари мана шундай кўнгилсиз хулосага келдилар. Иттифоқ бош котибининг ёрдамчиси Аднан Амран Мисрда чиқадиган «Маю» рўзномасининг мухбири билан суҳбатда араблар мамлакатлари иттифоқининг 21 аъзосидан фақат 5 таси ўзларининг молиявий мажбуриятларини бажариб, аъзолик бадалларини вақтида тўлаб турганликларини таъкидлади. Ҳолбуки, иттифоқнинг уставида молиявий жиҳатдан интизомсиз давлатлар овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум этилади, деган банд бор. Бироқ амалда уставнинг шу қоидаси ҳам, яқдиллик билан қабул этилган қарорларнинг 85 фоизи ҳам бажарилмаяпти. Араб давлатлари иттифоқидаги Миср ва Саудия Арабистонининг вакиллари ҳам шу фикрни айтдилар.

(ТАСС).

АХБОРОТ

● ФАРҒОНА

СУТ, ҚАТИҚ, ҚАЙМОҚ

● КИЧИК КОРХОНАЛАР

Олтиариқ район давлат банки бошқарувчиси Расулжон Шаропов фермер хўжалиги ташкил этиш ташаббускори бўлди. Бу янги хўжалик «Ленинизм» колхозида вужудга келди.

Банк О. Ҳикматов бошлиқ фермер хўжалигига ҳомийлик қилишни ўз зиммасига олди. Фермерга 26 минг сўм қарз берилди. Зилҳа қишлоғи ҳудудидаги бўш ётган ферма тартибга келтирилди. Бозордан 50 бош қорамол сотиб олинди. Улардан 20 га яқини соғлом сигир. Банк фермерга техника, ем-хашак сотиб олишда кўмак бераяпти. Шунингдек эвазига фермер хўжалиги олинадиган фойдадан 20 фоизини банкка қайтаради.

— Ҳозирги пайтда, — дейди Р. Шаропов, — Фермер хўжаликларини кўпайтириш зарур. Биз районда биринчи фермер хўжалигини ташкил этдик. Бундай хўжаликлар кўпайиб кетса ажабмас.

Ҳозир фермер хўжалигида кунига 150—200 литр атрофида сут соғиб олинмоқда. Маҳсулотнинг бир қисми қишлоқдаги ночор оилалар, ногиронлар ва кексаларга бепул бериляпти. Сут ишлаб чиқариш кескин ортиши қатиқ, творог, пишлоқ тайёрлашни йўлга қўйишга имкон беради.

*

● Пахтачи районида ишга туширилган «Қўзибоқар» чойхонаси дам олувчилар учун айни муддао бўлди.

Суратда: чойхона ходимлари Маҳкамой ва Ўғилой Ортиқовалар.

Сураткаш Т. Норқулов.

*



САДКОК БОБО КИМ ЭДИ?

● ЗИЁРАТГОҲЛАР

Фарғонадан чиқаверишдаги ўркачли қирлар орасида кенг дара бор. Бу ерда Садқок қишлоғи жойлашган. Унинг юқорисида 7 та зилол сувли булоқ бор. Булоқлар ёқасида қулоч етмас сада қайрағоч, бақатераклар савлат тўкиб турибди. Бу сўлим оромгоҳ қаршисидаги қир ён бағрида кўҳна мақбара бор. Садқок бобо мозори, деб аталадиган бу жой зиёратгоҳ эди. Марғилон ва Риштон, Қўқону Олтиариқдан келадиган зиёратчиларнинг ҳам саноғи йўқ. Қабрни текшириб кўрган олимлар унинг ёши тахминан 800 йиллар чамасида экан, деган фикрга келишган.

1985 йили баъзи раҳбарлар қутқуси билан тарихий мозор ўрганилмай қолди. Диний сарқит макони, деб эълон қилинди ва бузиб ташланди. Бу ноҳуш тадбир амалга оширилган пайтда шу ерлик кишилардан бирининг айтишича қабр ичидан эски китоб ҳам чиққан экан. Афсуски, кўҳна китоб махсус кимёвий моддалар билан ишлов берилмасдан олиниши натижасида титилиб кетган.

Хўш, Садқок бобо тарихий шахс эдими ёки шунчаки афсонами? Кейинги йилларда Фарғона уламолари ва зиёлилари бобонинг тарихий шахс эканлигини исботлаб бердилар. Унинг асли исми Имом Юсуф Садқокий бўлиб, XII асрдаги йирик ислом олимларидан бири бўлган. Унинг «Талхис» номли илм-ҳикмат, илм-шариат, илми-мантиққа оид китоби ўрта асрлар ислом оламида шуҳрат топган. Мўғуллар Туркистонга бостириб келган пайтда диёнатли олим босқинчиларга қарши уюштирилган халқ исёнига бошчилик қилади. Қаҳрамонона исён бостирилгач, Имом Юсуф Садқокий Чингизхоннинг ўғли Чиғатой фармонига мувофиқ қатл этилади. Халқ истеъдодли олим ҳурматини ўрнига қўйган. Аммо ўша шароитда марҳум руҳини душманлар оёқ ости қилишларидан хавфсираб, қирлар орасидаги дарага дафн этишди. Кейинчалик шу дара ва атрофидаги қирлар Садқок номини олган.

Имом Юсуф Садқокий номи ат-Термизий юбилейига бағишланган тантаналарда ҳам эҳтиром билан тилга олинди. Яқинда унинг қабри қайтадан тикланди. Халқ боболаримиз руҳига садоқатни яна бир бор намойиш этди.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

Лабораториялар бўйича бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: болаларнинг овқатланиш гигиенаси, заҳарли моддаларнинг кейинчалик намоён бўладиган оқибатлари; пестицидлар ва минерал уғитлар токсикологияси (тиббиёт фанлари докторлари ва номзодлари);

кичик илмий ходимлар: касб касалликларининг ўрганиш, ташхис қўйиш ва даволаш; кимёвий моддалардан фойдаланишда саноат токсикологияси ва меҳнат гигиенаси (2).

Танлов муддати — 14 июлгача.

Ҳужжатлар қўйидаги манзилга юборилсин: 700056, Тошкент шаҳри, Циолковский кўчаси, 325-уй. Телефонлар: 65-26-42, 65-08-59.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

«акушерлик ва гинекология» ихтисоси бўйича (5) **клиник ординатурага**

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Ҳужжатлар директор номига қуйидаги манзилга юборилсин: 700124, Тошкент шаҳри, М. Горький шоҳкўчаси, 132 «а» уй.

Илмгоҳ ётоқхона билан таъминламайди.

1991 ЙИЛ УЧУН

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар — 1 сентябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700170, Тошкент шаҳри, Мўминов кўчаси, 9-уй. Аспирантура бўлими.

ТОШКЕНТ ЖУМҲУРИЯТ МИҚЁСИДАГИ «КАМАЗ» АВТОМАРКАЗИ

эркин муомаладаги валютаси бўлган БАРЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРГА «КАМАЗ» АВТОМОБИЛИНИНГ ТУРЛИ МАРКАЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН

ЁРДАМ БЕРАДИ

Мижознинг хоҳишига кўра, кабинанинг ранги, ички жиҳозланиши, кондиционер ва холодильник (совутгич) **ўрнатилиши кўзда тутилади.**

Манзилгоҳимиз: Бектемир ноҳияси, Жўрабек Остонов кўчаси, 40-уй.

Телефон 92-04-07.

АЗИЗ КУРСДОШЛАР!

ТОЖИКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ОЛИЙ БИЛИМГОҲИНИ

1963 йил агрономлик ихтисоси бўйича битирганлар

ДИҚҚАТИГА!

Сизларни 1991 йил 30 август куни соат 15.00 да олий билимгоҳ қошида бўладиган

УЧРАШУВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Маълумотлар олиш учун Душанба шаҳридаги 36-76-12, 35-41-43 телефонлари орқали мурожаат қилинсин.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

"ЭЛЕКТРОНИКА"

Тошкентдаги «Электроника» фирмали дўкон салони ВМ-12 видеомагнитофонларини эркин савдо йўли билан

СОТАДИ

Тижорат нархи — 6000 сўм.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй (3, 4, 13, 22-трамвайларнинг «Куйбишев район ижроия комитети» бекати).

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

лабораториялар ва бўлимлар бўйича бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: тажрибавий ва клиникавий тиреоидология;

катта илмий ходимлар: диабетология, тажрибавий ва клиникавий тиреоидология (2), метаболизмни гормонлар билан бошқариш;

кичик илмий ходимлар: диабетология, эндокрин жарроҳлик, тажрибавий ва клиникавий тиреоидология (2), метаболизмни гормонлар билан бошқариш (3), эндокрин патологиянинг иммунологияси (2).

ТАНЛОВ МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700125, Тошкент шаҳри, М. Горький шоҳкўчаси, 56-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
МИКРОБИОЛОГИЯ ИЛМГОҲИ

микробиология (2), **биокимё, биотехнология** (2), **ихтисослари бўйича**

КУНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА

микробиология ихтисоси бўйича ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун

СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар 1991 йил 1 августгача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700128, А. Қодирий шоҳкўчаси, 7 «б» уй.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг бошқаруви, Мусиқа фонди ва жамоат ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон Мусиқа жамияти атоқли актриса, хонанда ва раққоса, СССР халқ артисти

ТАМАРАХОНИМнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Жумҳурият прокуратураси жамоаси Хоразм вилоят Гурлан ноҳия прокурори

Комилжон Матяқубович ТИЛЛАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон журналистлар Уюшмаси бошқаруви СССР журналистлар Уюшмасининг аъзоси, кекса журналист

Ёқуб МОРДУХАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач

Шавкат Ғуломович ЎЛДОШЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат дорилфунунининг тарих факультети жамоаси доцент Ғ. Аҳмеджановга онаси

Хотира БАҲРОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЁЗ-ЁЗ ЭКАН...

Ҳозир баъзи нарсалар жумладан, қоғоз ҳам анқонинг уруғидек топилмайдиган бўлиб қолган. Шундай ночор пайтда одамлар бир-бирларининг устидан ёз-ёз қилишни тўхтата қолишса бўлмайдими?! Бўлади! Фақат ноҳақлик қилинмаса, бўлади!

Ҳа, дарвоқе, айрим адолатсизлик оқибатида қоғозбозлик тобора авж оляпти. Ёзган хатига ўз вақтида ҳаққоний жавоб олган киши яна бошқа ёққа югуриб нима қилади?! Масалан, Пискент район санитария ва эпидемиология станциясида аризабозлик бошланиб, тобора у авжга чиқди, хуллас, «фавқулодда ҳолат» юзага келди. Жумҳурият радиосининг «Қармоқ» сатирик эшиттиришида ҳам бу ҳақда ахборот берилди. «Карнай менинг қўлимда, деб оламга жар солаверишаркан-да, гаплари уйдирма!» — дейишмоқда станциянинг бир гуруҳ хизматчилари. Бошқалари эса сукут сақлашмоқда. Демак, эшиттириш уларга қаймоқдай ёқибди.

«Қармоқ» наф келтирмади. Аксинча станцияда гапбозлик янада авж олиб, у ер бамисоли арининг уясига айланди. У томонда ғув-ғув, бу томонда ғув-ғув! Ҳар ким ўзининг гапини маъқуллайди, ҳар ким мен ҳақман, дея кўкрагига уради. Ҳар бир қуш ўз тилида сайрайди, қуш тилини фақат қуш билади. Шу жиҳатдан қараганда, балки СЭСдагиларнинг дардини тушунадиган доно киши, яъни адолатли ва билимдон ҳакам топилмай тургандир?!

Ана шундай зукко одам тезроқ топила қолганда эди, станцияда кун сайин авж олиб бораётган можарога чек қўйилган бўларди.

Масалага аниқлик киритиш учун «тарих»га назар ташлайлик. Пискент район санитария ва эпидемиология станциясида 1980—1987 йилларда Акмал Иброҳимов деган киши бош врачлик вазифасида ишлади. (Ҳозир у шу ерда врач). Етти йил мобайнида СЭСда анча ишлар амалга оширилди. Чунончи, станция учун маъмурий бино қурилиб, унга янги жиҳозлар келтирилди. Лаборатория бутунлай қайта созланиб, энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Идора биноси газлаштирилди. Хуллас, ишлар юришиб кетаверди.

Одамлар «фалончига кўз тегди» деган иборани кўп ишлатишади. Ҳўв тегиши рост экан. А. Иброҳимовнинг 1989 йил 7 декабрда халқ депутатлари Пискент район шўроси ижроия комитетига ёзган аризасини ўқиган киши бунга ишонч ҳосил қилади. Ундан парча келтирамиз:

«Мен Минск шаҳрида малака ошириш курсида ўқиб юрганимда ишдан бўшатилганим ҳақида район газетасида (1986 йил 31 июль сонида) хабар берилган. Бу менинг руҳимга қаттиқ таъсир этди. Ахир, бу инсон шаънини ерга уриш эмасми?! Сўнгра 1987 йил февраль ойида ишдан бўшаш учун ариза ёзишимни талаб қилишди. Мен бу раҳбарларнинг номини ушбу аризада келтиришни эп кўрмадим, чунки улар ўз айбларини тан олишмайди, буларнинг ҳаммасидан коллектив ҳам хабардор. Шунинг учун мен ишдан олинишимни нотўғри деб ҳисоблайман. Ёзган аризамни ижрокомда кўриб чиқишларингни сўрайман».

Орадан бир ярим йил ўтаётганига қарамай, ариза ҳали ҳам кўриб чиқилгани йўқ. Ана сизга ёз-ёзнинг кучайишига сабаб бўлган бир далил.

● Фельетон

Қанотли қоғозлар парвози кун сайин юксала борди. Энди ҳақиқат излаб фақат А. Иброҳимов эмас, СЭСда ишловчи бошқа бир неча киши ҳам (албатта, собиқ бош врачни қўллаб-қувватлаб) қўлига қалам ва қоғоз олди. Жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлигига, прокуратураларга ва бошқа қатор юқори ташкилотларга арзномалар келиб тушди. Текшир-текширлар бўлиб ўтди. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фармойишига кўра махсус комиссия Пискент СЭСида иш олиб борди. А. Иброҳимовнинг аризаларини кўриб чиққан Тошкент область ва жумҳурият прокуратуралари эса: «У аввалги лавозимига тикланиши лозим» деган хулосага келди.

Хуллас, ҳақиқат ва адолат осмонида юлдуз чарақлагандай бўлди. 1990 йилнинг 13 июлида жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Ш. Ҳамроев жумҳурият прокуратураси хулосасига асосланиб, Тошкент область санитария ва эпидемиология станцияси бош врачи номига хат йўллади. Унда А. Иброҳимовни аввалги вазифасига тиклаш сўралганди. Афсуски, Ш. Ҳамроев икки кун ўтгач негадир ўз сўзидан қайтиб, Тошкент область СЭСига А. Иброҳимовни Пискент район санитария ва эпидемиология станцияси бош врачи вазифасига тиклаш ҳақидаги хат ижроси тўхтатилсин, деган мазмунда мактуб йўллади.

Орадан кўп ўтмай Пискент район СЭСига янги хабар етиб келди. Жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Д. Қобулова Тошкент область СЭСи бош врачи номига А. Иброҳимовни аввалги вазифасига тиклаш ҳақида хат (15.08.90 й) юборган эди. Бу ҳам ўз кучини кўрсатмай бир варақ қоғозлигича қолиб кетди.

Нажот кута-кута тоқати тоқ бўлган Пискент район СЭСининг ўн бир хизматчиси шу йил 11 январда махсус хат билан бизга мурожаат қилганди. Текшириш ва чора кўриш учун юборилган бу хатга вазирлик қаноатланарсиз жавоб қайтарди. Бу шикоятчиларда жиддий норозилик туғдирди. Шу боисдан улар 1991 йил 7 май куни яна ёзма равишда арз қилишди.

...Ёз-ёз экан, ёз-ёз экан. Пискент район СЭСида кўпдан буён давом этиб келаётган оғир вазият ҳақидаги хатлар ва уларни текшириш натижалари баён этилган ҳужжатлар даста-даста бўлиб кетди. Улар Тошкент область санитария ва эпидемиология станциясида авайлаб сақланмоқда. Гап уларни кучга киритишда. Акс ҳолда папкалардаги ҳужжатлардан сариқ чақалик наф бўлмайди.

Ҳа, дарвоқе, Пискент район раҳбарларининг ҳам бу масалада бошлари қотган. Улар СЭСда тартиб ўрнатишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Яқинда шу масалага бағишланган мажлис бўлиб ўтди, эсдалик учун бўлса керак, мажлисда билдирилган фикрлар магнит лентасига ёзиб олинди. Лекин йиғилиш кутилган натижани бермади.

Каминани эса бошқа муҳим муаммо чуқур ўйга толдиради. Хўш, Пискент район СЭСида носоғлом муҳит ҳукм сўраётган экан, бу ерда иш қандай кетяпти?! Ахир, бир кун жанжал чиққан жойдан бир ой барака кўтарилади-ку! Гап ана шунда! Гап интизомда! Ушбу ҳангомани ёзишдан мақсад ҳам шуни эслатиш.

Усмон ЮСУПОВ.

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

НУКУС, 10 июль. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон республика комитетининг пленуми бўлди, унда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Пленум К. Режепов Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари этиб сайлангани муносабати билан уни республика партия комитетининг котиби, ижтимоий-иқтисодий снёсат масалалари комиссияси раиси ва бўлим мудири вазифаларидан озод қилди. Пленум илгари халқ депутатлари Нукус шаҳар кенгаши ижроия комитетининг раиси ва бўлим мудири вазифаларидан озод қилди. Пленум илгари халқ депутатлари Нукус шаҳар кенгаши ижроия комитетининг раиси ва бўлим мудири вазифаларидан озод қилди. Пленум илгари халқ депутатлари Нукус шаҳар кенгаши ижроия комитетининг раиси Ж. Нурхўжаевни республика партия комитети котиби ва бюро аъзоси этиб сайлади. Айни пайтда С. Т. Нурхўжаев республика партия комитетининг ижтимоий-иқтисодий снёсат масалалари комиссиясининг раиси ва бўлим мудири этиб тасдиқланди.

Пленумда республика партия комитетининг биринчи котиби, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Д. Н. Шамшетов нутқ сўзлади.

ЖАМОАТ КЕНГАШИДА

9 июль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Президенти идораси ҳузурида тузилган диний ишлар бўйича жумҳурият жамоат кенгаши йиғилди. Шаҳар аҳли вакиллари, жумҳурият вилоятларидаги масжидларнинг имом-хатиблари, диншунос олимлар, айрим маҳалла қўмиталарининг раислари, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раҳбарлари ва бошқа эътиборли кишилар машваратда ҳозир бўлиб, бир гуруҳ дин пешволарининг 5 июлда пойтахтимиздаги Тилла шайх жоме масжидида берган баёнотларидан кейин юзага келган аҳволни муфассал муҳокама этдилар.

Мажлисда сўз олган вакиллар Ўзбекистонда осойишталик ва фуқаролар жипслиги барқарор бўлишини ёқлаб гапирдилар. Муросада ҳикмат кўп, деб таъкидлашди улар, инсонларга руҳий ва маънавий озиқ беришда, уларни савобли ишларга сафарбар этишда дин пешволари ўрнак бўлмоғи зарур. Кек ва адоват ҳеч қачон яхшилик келтирмайди, аксинча, жамиятни парчалайди, динга путур етказади, миллат истиқболини бўғиб қўяди, тарафкашликни кучайтириб, эл-юртнинг шариат пешволарига нисбатан ишонч ва ихлосини сусайтириши мумкин. Биз халқимизни бундай фалокатлардан асрашимиз шарт, деб таъкидланди кенгашда.

Ҳозирги масъулиятли даврда фуқаролар орасидаги муносабатлар очиқ-ойдин ва ниҳоят даражада самимий ва дўстона бўлмоғи керак. Шу маънода эса шахсий манфаатлардан воз кечиб, умумий манфаатларга зўрроқ эътибор берсак арзийди.

Мажлис аҳли 9 июль куни Москванинг «Комсомольская правда» рўзномасида чоп этилган «Тошкентдаги диний тўнтариш» сарлавҳали хабарига ўз муносабатини билдирди. Бу мақола аслида диндан четда турган ва мавжуд вазиятдан фойдаланмоқчи бўлган айрим манфаатдор гуруҳларнинг хоҳишларини ифода этади. Миллионлаб нусхада чиқадиган рўзноманинг сал шошқалоқлик қилгани ва минглаб мўмин-мусулмонларни алдашга уринганига беадад таассуф билдирмоқ керак.

Ҳаммага маълумки, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари ўзлари ишлаб чиққан қоидалар ва дастурлар асосида фаолият кўрсатадилар. Масъул раҳбарларни сайлаш ёки лавозимидан четлатиш ҳуқуқи тўлиғича мусулмонлар диний бошқармаси ҳайъати пленумининг ёки мусулмонлар қурултойининг тасарруфига киради.

Мавжуд зиддиятлар, муаммолар ҳақиқий имон ва эътиқод тариқида демократик тарзда, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақидаги жумҳурият Қонунига тўла амал қилган ҳолда ечилиши шарт.

Вазиятни холисона ўрганиш, хулоса чиқариш ва тавсиялар тайёрлаш учун жамоат кенгаши аъзолари ва дин арбобларидан иборат нуфузли комиссия тузилди.

Жамоат кенгаши ишида Ўзбекистон ССР Вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг муовини Э. С. Самандаров, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси Ш. С. Зиёмов қатнашдилар.

СПОРТ

БЎШ КЕЛМАЙ

● Мамлакатимиз шаҳарларида СССР халқлари X спартакиадаси мусобақалари қизғин паллага кирди. Жумҳуриятимиз вакиллари баҳсларда маҳорат кўрсатиб, ўз жамоалари мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишмоқда. Курашчилар, гимнастикачиларнинг муваффақиятлари айниқса хайрли бўлди. Акробатчилар ҳам муносиб улуш қўшмоқдалар. Улар Киев шаҳрида қатнашмоқдалар. Чунончи, аёллар жуфтлиги баҳсида Н. Зуфарова билан Е. Эндришко 57 очко тўплаб, совринли учинчи ўринни эгаллашди, йигитларнинг гуруҳ бўлиб машқ бажаришларида К. Козирев, Ф. Аблаев, А. Тўхтаров, В. Николаевлар ғолиблик супасининг учинчи поғонасига кўтарилишди.

Стол тенниси баҳслари ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Йигитларнинг жуфт бўлиб баҳслашишларида Огородов билан Томашевич ярим финалга чиқишди. Теннисчиларимиз умумжамоа ҳисобида олтинчи бўлиб туришибди.

САФАР УЧРАШУВЛАРИДА

● Иккинчи лиганинг шарқий минтақасида куч синашаётган жумҳуриятимиз жамоалари мавқеларини бўшаштириб қўйишмоқда. Жумладан, «Сўғдиёна», «Автомобилист», «Косонсойчи» жамоалари сафар учрашувларида қимматли очколарни йўқотишди. Фақат охирги ўриндаги «Сурхон» жамоаси «Нурафшон» футболчиларини қабул қилиб (1:0), очколарини 10 тага етказди. «Нурафшон» 20 очко билан 9-ўринни эгаллаб турибди. «Автомобилист» ҳисобида ҳам шунча очко бор.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБЎТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент—ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5691.

Босишга топшириш вақти — 21.00.

Босишга топширилди — 21.00.

№ 132.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12